

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD. 03/31.03.2021.Fil.78.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

КАДИРОВА ЗАЙНУРА ЗАЙНИДИНОВНА

АЛИШЕР НАВОЙНИНГ НАСРИЙ АСАРЛАРИДА ПЕРИФРАЗЛАР

10.00.01 - Ўзбек тили

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Термиз – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)

Кадилова Зайнура Зайнидиновна

Алишер Навоийнинг насрий асарларида перифразлар5-24

Кадилова Зайнура Зайнидиновна

Перифразы в прозаических произведениях Алишера Навои.....25-40

Kadirova Zaynura Zaynidinovna

Periphrases in the prose works of Alisher Navoi.....41-44

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works45-46

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD. 03/31.03.2021.Fil.78.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

КАДИРОВА ЗАЙНУРА ЗАЙНИДИНОВНА

АЛИШЕР НАВОЙНИНГ НАСРИЙ АСАРЛАРИДА ПЕРИФРАЗЛАР

10.00.01 - Ўзбек тили

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Термиз – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.4.PhD/Fil1029
рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Термиз давлат университетиде бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-
саҳифасининг (www.tersu.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали www.ziyo.net
манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Умуркулов Бекпўлат
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Баҳриддинова Башорат Мадиевна
филология фанлари доктори, профессор

Абдували Бердиалиев
филология фанлари доктори, профессор


Етакчи ташкилот:


Самарқанд давлат университети


Диссертация химояси Термиз давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар
берувчи PhD.03/31.03.2021.Fil.78.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «август»
соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 190111, Термиз ш., Баркамол
авлод кўчаси, 43-уй. Тел: (876) 221-74-55; факс: (876) 221-71-17; e-mail: termizdu@umail.uz).


Диссертация билан Термиз давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш
мумкин (69 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 190111, Термиз ш., Баркамол авлод
кўчаси, 43-уй. Тел: (876) 221-74-55.

Диссертация автореферати 2022 йил «15» 08 куни тарқатилди.
(2022 йил «15» 08 даги 14 рақамли реестр баённомаси).




П.Бакиров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси ўринбосари, ф.ф.д., доцент


А.Эшмўминов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
котиби, ф.ф.ф.д. (PhD), доцент


Ш.Махмараимова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги Илмий семинар раиси, ф.ф.д.(DSc), доцент

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида перифраза ва унинг ўзига хос лингвистик табиати ўрганилган бир қатор тадқиқотлар мавжуд. Тил тизимидаги муҳим лингвистик восита бўлган перифразалар тилшуносликда асосан лексик-семантик бирлик сифатида ўрганилган, шунингдек, перифразаларнинг услубий хусусиятларини муайян нутқ турлари асосида ўрганиш ҳам кўзга ташланади. XXI аср тилшунослигида турғун бирикмалар, идиомалар, шунингдек, перифразаларни тадқиқ қилиш фан-техниканинг ривожига асосида осонлашаётган бўлса-да, перифразанинг жаҳон классикаси доирасидаги ўрганилишига эҳтиёж сезилмоқда. Бу ҳолат замонлар оша такрорланиб бораверади. Яъни тилнинг лексик тизими доимий равишда ўрганиладиган ва шу билан бир қаторда, ўзгариб бориш хусусиятига эгаллиги билан ўзига хосликни ташкил этади. Шунингдек, бугунги кун лингвопоэтикаси тил ҳодисаларининг нутқий аҳамиятига доир изланишларга ҳам эҳтиёж сезмоқда.

Дунё тилшунослигида тил воситаларини ижодкорнинг тилдан фойдаланиш маҳоратини намоён этувчи восита сифатида таҳлил қилишга эътибор кучайиб бормоқда. Хусусан, глобаллашув жараёни тил бирликларининг моҳиятини нутқий фаолият билан боғлиқ равишда ўрганиш тил тадқиқидаги муҳим жиҳат эканлигини кўрсатмоқда. Шу маънода перифразани бадиий матн доирасидаги тадқиқи бугунги тилшунослик учун ҳам муҳим ва мазкур тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилайди. Зеро, перифразалар ҳам бадиий матнларда муҳим тасвирий восита сифатида асарнинг бадиий-эстетик таъсирчанлигини таъминлашда чексиз аҳамиятга эга.

Ўзбек тилшунослигида услубий хосликни таъминловчи луғавий бирликлар сирасига кирувчи перифразаларга лисоний нуқтаи назардан ёндашилган тадқиқотлар мавжуд бўлса-да, перифразаларнинг нутқий хусусиятларини ёритувчи тадқиқотларга эҳтиёж сезилмоқда. Зеро, нутқнинг таъсирчан, жозибадор бўлишини таъминловчи, инсонга эстетик завқ берувчи, бадиий асар тилини жозибадор қилувчи, миллийлик ва менталитетни ёритувчи кўплаб воситалар диалектизмлар, эвфемизмлар, этнографизмлар, паремиологик, идиоматик бирликлар каби перифразалар ҳам нутқ жараёнида муҳим аҳамиятга эга. Кўринадики, “Она тилимиз миллий маънавиятимизнинг битмас-туганмас бўлагидир. Шундай экан унга муносабат, ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш барчамизнинг нафақат вазифамиз, балки муқаддас инсоний бурчимиздир”¹. Алишер Навоийнинг эсдалик ва панднома руҳида ёзилган насрий асарларида учрайдиган перифразалар ҳам она тилининг ўзлигини кўрсата оладиган, ижодкорнинг тилдан фойдаланиш маҳоратини намоён этувчи бирликлар ҳисобланади. Уларни аниқлаш, лингвистик жиҳатдан таҳлил қилиш, тил бирлиги сифатида авлоддан авлодга етказиш тилшунослик учун муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқейини тубдан ошириш чора-

¹ Мирзиёев Ш. Миллий ўзлигимиз ва мустақил давлатчилигимиз тимсоли // Халқ сўзи, 2019 йил 22 октябрь, 218-сон. – 1-2-саҳифа.

тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5850-сон, 2020 йил 20 октябрдаги “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6084-сон, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “Янги Ўзбекистоннинг 2020-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон фармонлари, 2017 йил 13 сентябрдаги “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги ПҚ-3271-сон, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар дастурида белгиланган вазифаларнинг бажарилишида ушбу тадқиқот самарали хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” деб номланган устувор йўналишига мувофиқ тарзда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбек тилшунослигида А.Рустамов, С.Аширбоев, Б.Бафоев, З.Ҳамидов, Х.Маматов, А.Каримов, Ш.Ёқубовлар² Алишер Навоий асарларининг лингвистик хусусиятлари бўйича тадқиқотлар олиб борган бўлса-да, Алишер Навоий асарлари перифразаларнинг қўлланилиши нуктаи назаридан ўрганилмаган. Ҳолбуки, ўзбек тилшунослигида перифраза мавзусининг ўрганилишига доир тадқиқотлар ҳам анчагина. Ҳ.Шамсиддинов, И.Умиров, К.А.Турсункулова, Д.Айтбаев, Р.Нормуродов, У.Аҳмадова³ларнинг перифраза мавзусида ёзган диссертациялари жиддий тадқиқотлар сирасига киради. Перифраза ходисаси дунё тилшунослигида ҳам

²Рустамов А. Некоторые фонетические-морфологические особенности языка произведений Алишера Навои: Автореф. дисс... док. филол. наук. -Ташкент, 1966; Аширбоев С. Структурно-семантические особенности простого предложения в прозаических произведениях Алишера Навои: Автореф. дисс... док. филол. наук. – Ташкент, 1990; Бафоев Б. Лексика произведений Алишера Навои(лексико – семантические, стилистические и тематические исследование): Автореф. дисс... док. филол. наук. – Ташкент, 1989; Ҳамидов З. Лексико – семантическое и лингвопоэтическое исследование языка “Лисан ат- тайр” Алишера Навои: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 1982; Маматов Х. Лексико – стилистические особенности художественной прозы Алишера Навои: Автореф. дисс... док. филол. наук. – Ташкент, 1972; Каримов А. Лексико – семантические и стилистические особенности языка поэмы “Фархад и Ширин” Алишера Навои: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 1973; Ёқубов. Ш. Навоий асарлари ономастикаси: филол. фан. номз. дисс ... автореф. – Тошкент, 1984.

³Шамсиддинов Ҳ. Ўзбек тилида сўзларнинг функционал-семантик синонимлари: филол. фан. док. дисс... – Тошкент, 1999; Умиров И. Ўзбек тили парафразалари: филол. фан. номз. дисс... автореф. – Тошкент, 1996. – 23 б.; Турсункулова К.А. Перифрастические формы глагола в узбекском и казахском языках: Автореф. дисс... док. филол. наук. – Ташкент, 1972; Айтбаев Д. Ўзбек тилидаги перифразаларнинг мотивлашуви ва лексикографик талқини: филол. фан. номз. дисс... – Тошкент, 2007; Нормуродов Р. Ўзбек тилида иккиламчи номинация. - Тошкент: Фан, 2010. –132 б; Аҳмадова У. Перифразаларнинг социал хосланиши: филол. фан. номз. дисс ... автореф. – Бухоро, 2021. – 59 б.

кўплаб олимларнинг изланишлари учун мавзу бўлган. Яъни А.Новиков, С.Видляк, Л.Грехнева, В. Громова, А.Липатов, Г.Моложай, М.А.Сиривля, Н.М.Гонзиналарнинг⁴ ишлари шулар жумласидандир.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Термиз давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режаси таркибига кирувчи “Ўзбек нутқшунослиги: бадиий нутқ таҳлили, антропоцентрик назария, этнолингвистика, корпус тилшунослиги” мавзусидаги тадқиқот доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади Алишер Навоийнинг насрий асарларида қўлланилган перифразаларни лексик, морфологик ва услубий таҳлил қилиш асосида перифразаларнинг бадиий нутқ жараёнидаги вазифаларининг назарий ва амалий асосларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

перифраза ҳодисасининг дунё ва ўзбек тилшунослигидаги шаклланиш асосларини ўрганиш;

перифразанинг услубий хусусиятларини насрий нутқ асосида тадқиқ этиш ва бадиий-эстетик вазифасини ёритиш;

перифразанинг нутқ ҳосил қилишдаги амалий аҳамиятини ўрганиш;

перифраза ва унга ёндош бўлган тил ҳодисалари ўртасидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатларни очиб бериш;

перифразаларнинг бадиий тасвир воситаси сифатидаги поэтик вазифасини ўрганиш;

Алишер Навоийнинг насрий асарларида қўлланилган перифразаларни грамматик(морфологик-синтактик) хусусиятлари жиҳатидан таҳлил қилиш;

Алишер Навоийнинг насрий асарларида қўлланилган перифразаларнинг луғавий-маъновий хусусиятлари ва мантикий-семантик асосларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Алишер Навоийнинг “Хамсат ул-мутахаййирин”, “Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер”, “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад”, “Маҳбуб ул - қулуб”, “Муншаот” каби насрий асарларининг кирилл ёзувидаги вариантыда қўлланилган перифразалар олинган.

Тадқиқотнинг предметини Алишер Навоийнинг насрий асарларида қўлланилган перифразаларнинг лексик, морфологик, синтактик ва услубий хусусиятларини ёритиш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Мавзуни ёритишда таснифлаш ва тавсифлаш, қиёслаш, таркибли, статистик, лингвопоэтик ва лексикографик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

⁴Видляк С. Проблемы эвфемизма на фонетории языкового поля: Этимология. – М., 1967, – С.76; Грехнева Л. Перифраза как лингвистическое явление Дисс... канд. филол. наук... – Нижегород, 1999; Громова В. Перифраза источник страноведческой информации. – Т., Ростов-на Дону, 1998, -С.71; Липатов А. Перифраз как бинарная единица художественного текста и его места в трихотомии “перифраз – окказиональная фразема-узуальный фразеологизм”. – Казан: 2004; Моложай Г. Перифраза в белорусском литературном языке: Автореф. дисс... канд.филол. наук. – Минск., 1971. 20 с.; Новиков А. Словарь перифраз русского языка. – М.: 2004; Sirivlya, M.A. Periphrase as an expressive means. Chelyabinsk, 2007; Gonzina N.M. To the question of the classification of periphrases / N.M. – 2013.; Gonzina N.M. To the question of the classification of periphrases / N.M. – 2013;

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

перифразаларнинг бадиий нутқнинг бадиий эстетик таъсирчанлигини кучайтирувчи луғавий воситалар эканлиги Алишер Навоий насрий асарларида қўлланилган *тирикликда яхши от (эхсон), ҳаёт шабистонининг наҳори (йигитлик даври), шуаро сўзининг варақнигори (котиб)* каби перифразалар асосида исботланган;

перифразаларнинг қайта номлаш натижасида вужудга келиши назарий жиҳатдан асосланиб, қайта номланиш асосида ҳосил бўладиган фасллар келинчаги (баҳор), қора олтин (кўмир, нефт), оқ олтин (пахта), ўрмон санитарии (бўри) каби перифразаларнинг тил луғат таркибидан ўрин олиши, аксинча тор ижтимоий гуруҳлар нутқида яратилган думли беш (икки), машинани тепмоқ (сотмоқ) каби перифразаларнинг тилда фаол луғавий бирлик сифатида қўлланилмаслиги далилланган;

шаклланиши, нутқий мансублиги жиҳатидан бир хил асосга эга бўлган перифраза ҳамда эвфемизмларнинг кўчим асосида юзага келиши, сўз ва сўз бирикмаси қолипида мавжуд бўлиши, мавҳумлик, индивидуалликка эгалиги жиҳатидан ўзаро ўхшашлик ҳосил қилиши, перифразадаги нутқни поэтик бирлик билан алмаштирилиши, кўчимнинг образлар асосида юзага келиши, шахсий топилманинг муҳимлиги кабилар эвфемизмдаги қўпол, вазиятга мос келмайдиган ифодани муқобили билан алмаштириш, нутқ вазияти ва мулоқотчилар доирасининг муҳим аҳамиятга эгалиги ҳамда жинс, ижтимоийликнинг бирламчи эканлиги билан бу икки ҳодисанинг фарқланиши далилланган;

перифразанинг маълум давр ёки шахс ҳақида ахборот бериш хусусиятига эгалиги Алишер Навоийнинг насрий асарларида қўлланилган *шайхул-машойих (Хавофий), туркигўй шуаро (Лутфий), орифи маоний (Саййид Ҳасан Ардашер)* перифразалари мисолида асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

перифразаларнинг тил луғат таркибидаги ўрни, лингвистик моҳияти ва вазифаси, перифразалар вужудга келишининг лингвопоэтик асослари, А.Навоийнинг насрий асарлари матнidan келиб чиққан ҳолда хулосалар чиқариш имконини бериш, уларнинг асосланганлиги, методик мукамаллигига доир илмий назарий маълумотлар умумий тилшунослик, ҳозирги ўзбек тили, услубшунослик, ўзбек тили тарихи каби фанлар бўйича яратиладиган дарслик ва ўқув қўлланмаларни мазмунан бойитишга хизмат қилиши асосланган.

Тадқиқот натижаларидан ўзбек тилида услубшунослик, нутқ маданияти, бадиий матннинг лингвистик таҳлили, ўзбек тили тарихи каби фанлар бўйича ўқув қўлланмалар тайёрлаш, шунингдек, ўзбек тилининг перифразалар луғатини тузиш, тузилган луғатларни янада такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ўрганилаётган материаллар лингвистик таҳлил методи асосида шакллантирилганлиги Алишер Навоий насрий асарларидаги перифразалар жаҳон ва ўзбек тилшунослигида перифразалар ўрганилишининг назарий асосларига таянилган ҳолда таҳлил

қилинганлиги, қўйилган масалаларнинг аниқлиги ҳамда жорийланиши натижасининг ваколатли идораларда тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотдан олинган натижаларнинг ўзбек тилшунослигининг лексикология, услубшунослик, нутқ маданияти, бадиий матннинг лингвистик таҳлили каби соҳалари учун илмий-назарий манба бўла олиши билан аҳамиятлидир.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти лексикология, услубшунослик, нутқ маданияти, бадиий матннинг лингвистик таҳлили каби фанларга оид дарслик, ўқув қўлланмаларни тайёрлаш ҳамда луғатшуносликда тадқиқот натижаларидан фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Алишер Навоий насрий асарларида қўлланилган перифразаларнинг луғавий, грамматик ва услубий хусусиятларини тадқиқ қилиш жараёнида эришилган илмий натижалар асосида:

Алишер Навоийнинг насрий асарларида қўлланилган перифразаларни грамматик ва услубий жиҳатдан ўрганиш ва XV аср ёзма манбаларида перифразанинг шаклланиш асосини аниқлашга доир назарий маълумотлардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институти томонидан олиб борилган ФА-Ф1-Г003 “Ҳозирги қорақалпоқ тилида функционал сўз ясалиши” деб номланган фундаментал илмий лойиҳанинг сўзларнинг функционал-семантик усулда ясалиши қисмида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтининг 2021 йил 22 сентябрдаги 214-сон маълумотномаси). Натижада перифразаларнинг нутқий вазифаси таҳлилидан фойдаланиш асосида лойиҳа бўйича бажарилган тадқиқотнинг мукаммаллашувига эришилган;

перифразаларнинг нутқ жараёнидаги ўрни, бадиий образ яратиш имкониятлари ҳақидаги назарий маълумотлардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институти томонидан олиб борилган ФА-А1-Г007 “Қорақалпоқ нақл-мақоллари лингвистик тадқиқот объекти сифатида” мавзусидаги амалий лойиҳанинг мақолларни ҳосил қилишда турғун бирикмаларнинг аҳамияти қисмида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтининг 2021 йил 22 сентябрдаги 17.01/214-сон маълумотномаси). Натижада Қорақалпоқ нақл-мақолларининг нутқий хусусиятлари, лингвистик восита сифатидаги ўзига хослиги масалаларининг ёритилишида мукамалликка эришилган;

Алишер Навоий насрий асарларида қўлланилган перифразаларнинг нутқий қиммати ва перифразаларнинг мулоқот жараёнида намоён бўлиши ҳақидаги хулосалардан Сурхондарё вилояти телерадиокомпаниясининг “Тил-миллат кўзгуси”, “Кун мавзуси”, “Диалог” кўрсатувларини тайёрлашда фойдаланилган (Сухандон нутқининг янада таъсирли ва жимжимадор бўлишини таъминлаш мақсадида диссертацияда қўлланилган замонавий ва мумтоз перифразалардан

фойдаланилган. 2021 йил 17 сентябрдаги 01-01/98-сон маълумотнома). Натижада бугунги кун ёшларини аждодлар руҳига эътиқод асосида тарбиялаш, мумтоз асарларни ўқиб, ўрганиш орқали тил ва тил эгаларига хурматда бўлиш ҳақидаги тарғибот ишларини мукамаллаштиришга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси.

Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.

Диссертация мавзуси юзасидан 14 та илмий мақола, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларида 8 та мақола, шулардан 4 таси республика ҳамда 4 та хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.

Диссертация кириш, уч асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 137 саҳифани ташкил этади ва Алишер Навоийнинг насрий асарларида учрайдиган перифразалар луғат тарзида илова қилинган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмда тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқот мақсади ҳамда вазифалари баён этилган, тадқиқотнинг объекти ва предмети, тадқиқ усуллари, ишнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари тавсифланган, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорийланиши, нашр этилган ишлар ҳамда диссертациянинг тузилишига оид маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби “**Перифразаларнинг лингвистик табиати ва ўрганилиши**” деб номланиб, перифразаларнинг ижтимоий-лисоний восита сифатида ўрганилишига доир амалга оширилган тадқиқотлар, дунё ва ўзбек тилшунослигида бу ҳодисага берилаётган таъриф ва тавсифлар ҳақида фикр юритилган. Бундан ташқари, бу бобда перифразанинг номинатив ва тасвирий восита сифатидаги аҳамияти, перифразаларнинг нутқий қиммати ҳамда перифраза ва унга ёндош ҳодисалар таърифи, ўхшаш, фарқли жиҳатлари ҳақидаги мулоҳазалар баён этилган бўлиб, бугунги кунда бир хил тушунчанинг икки хил номланиши сифатида ўрганилаётган перифраза ва парафраза бир-биридан тубдан фарқ қилувчи лингвистик ҳодисалар эканлиги баён этилган.

Перифраза масалаларини ўрганиш бўйича жаҳон тилшунослигида катта натижаларга эришилган. Хусусан, асл номни алмаштириш орқали объектни тавсифловчи ва мажозий маъно ифодаловчи (А.Я.Рамазанова)⁵, феноменнинг

⁵Рамазанова А.Я. Перифразы известных лиц как авторское средство выражения комплиментарности. Bulletin of Medical Internet Conferences. s (ISSN 2224-6150) 2015. Volume 5. Issue 1. 24-25.

мантикий ифодасини ҳиссий ифодага алмаштириш (А.А.Потебня)⁶, образли синоним (А.И.Ефимов)⁷, оддий сўзни тавсифловчи бирикма билан алмаштириш (О.С.Ахманова)⁸ деган таърифлар келтирилади. Хусусан, О.С.Ахманова перифраза ва парафраза бир хил тушунча эканлигини таъкидлайди ва турли халқларда турлича номланганига ишора қилади⁹. Чунончи, перифраза - инг.- *paraphrase, periphrasis*, фр. - *periphrase*, нем. - *periphrase*, исп. - *perifrasis* – тасвирий ифода, яъни оддий сўзни (предметни) тасвирий ифода билан алмаштиришдир. Умуман, бу атама тилшунослик манбаларида *перифраза, перифраз, парафраза, қайта номлаш, тасвирий ифода* каби атамалар билан номланади. *Перифраза* ва *парафраза* атамаларига В.И.Даль томонидан берилган изоҳларда ҳам айнан бир хилликни кузатиш мумкин¹⁰.

Парафраза юнонча сиқилган нутқнинг батафсил, кенг тушунтирилгани бўлиб, сўзни бошқа бир сўз билан ифодалаш, бир сўзни изоҳлаш учун сўзларни ўзгартириш¹¹ каби изоҳланади. *Перифраза* юнонча, *сўз беағи* (“сўзнинг кўрки”) деган маънони англатади¹². Бунда сўзни кенг ифодалар билан алмаштириш ёки тушунчани бошқа тушунчалар ёрдамида кенгроқ ифода этиш тушунилади¹³.

Перифразанинг юзага келишида тушунчанинг қуйидаги хусусият ва жиҳатлари асос вазифасини ўтайди:

- предмет шакли: *оқ гиштим бор ўтдан, Жуммоқ қуйдим чўтдан (қанд)*¹⁴;
- ранги ва кўриниши: *Қизилгина кўзачак, Ичи тўла зирачак (қаламтир)*¹⁵;
- маза - таъми: *тузсиз таом (сумалак)*;
- фаолият тури асосида: *ҳашаротлар бўз тўқувчиси (ўргимчак)*;
- касб-кори ва жамиятдаги мавқеи: *трагедия отаси* (Шекспир), *ўзбек драматургияси асосчиси* (Бехбудий), *халқчил шоир* (Завқий)¹⁶, *зиё тарқатувчилар* (кутубхоначилар)¹⁷ кабилар.

Ўзбек тилшунослигида эвфемизм ва перифраза тадқиқи олимлар томонидан олиб борилаётганига қарамай, таснифлаш ўринларида ўзаро ўхшашликларнинг мавжудлиги боис айрим чигалликлар кўзга ташланиб қолади. Эвфема, перифраза ва табуларни ажратиш мукамал эмасдай кўринади. Шу жиҳатни ҳисобга олган ҳолда перифраза, эвфемизм ва парафраза ҳодисаларининг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари таҳлил қилинди.

“*Эвфемизм*” юнонча “*яхши гапирман*”. Нарса-ҳодисанинг анча юмшоқ шаклдаги ифодаси; кўпол, беадаб сўз, ибора ва табу ўрнида кўпол ботмайдиган сўз (ибора)ни қўллаш. Масалан, ***иккиқат, бўғоз*** сўзлари ўрнида ***ҳомиладор, оғир оёқли*** каби эквивалентни қўллаш¹⁸.

⁶ Потебня А.А. Теоретическая поэтика. – М.: Высш. ш к., 1990. – С.344.

⁷ Қаранг. Айтбайұлы Ө. Қазақ фразеологизмдері мен перифраздары. – Алматы: Абзал-Ай, 2013. – Б.400.

⁸ Ахманова О. С. Словарь лингвистических терминов. – М.: Сов.энциклопедия, 1966. – С.300.

⁹ Ўша манба. – В. 300.

¹⁰ Даль. В.И. Толковый словарь живого великорусского языка. 3-том. – М.: 1882. – С.14.

¹¹ Ўша манба. – С.14.

¹² Айтбайұлы Ө. Қазақ фразеологизмдері мен перифраздары. – Алматы: Абзал-Ай, 2013. – Б.400.

¹³ Даль. В.И. Толковый словарь живого великорусского языка. 3-том. – М.: 1882. – С.101.

¹⁴ Ўша манба. – Б.106.

¹⁵ <https://n.ziyouz.com>

¹⁶ <https://saviya.uz>

¹⁷ <https://adti.uz>

¹⁸ Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Т.: Ўз МЭ, 2002. – Б.131 .

Юқорида келтирилган таърифлардан шу нарса аниқ бўладики, *надари бузруквор, волидаи муҳтарама ва олий ҳазратлари* – перифраза; *илон* лексемаси ўрнида *газанда, узунчанинг* қўлланилиши – табу; *бақалоқ, семиз, думалоқ* сўзларининг ўрнида *тўлачадан келган* бирикмаси – эвфемизмдир. Тилшуносликда перифраза ва эвфема қуйидаги жиҳатлари билан ўзаро ўхшашлик ҳосил қилади.

1. Ҳар иккиси ҳам кўчим асосида ҳосил бўлади.
2. Бирикма ҳолатда юзага келиши мумкин.
3. Бадиий бўёқдорликка эга.
4. Айрим ўринларда изоҳланувчи нотаниш ва тушунарсиз бўлади.
5. Мавҳумлик ва индивидуалликка эга.

Юқорида келтирилган ўхшашликлардан бу ҳодисаларни айнан бир хил вазифа бажаради деган хулосага келиш нотўғри. Чунки, айнан, перифраза ва эвфемизм ўртасидаги фарқларни англаб етиш муҳим аҳамият касб этади ва тилшунослик нуқтаи назаридан уларни алоҳида бирлик сифатида тушунтиришга асос бўлади. (1.1- жадвал):

1.1- жадвал. Перифраза ва эвфемизмнинг фарқли жиҳатлари

Перифраза	Эвфемизм
– кўчим образлар асосида амалга ошади;	– ифода кўнгилга тегмайдиган бирлик асосида берилади;
– нутқни поэтик бирлик билан алмаштириш;	– кўпол ва вазиятга мос бўлмаган ифодани муқобили билан алмаштириш;
– кўчимнинг бадиий ифодада берилиши етакчилик қилади;	– нутқий вазият ва мулоқотчилар доираси муҳим аҳамиятга эга;
– шахсий топилма муҳим аҳамиятга эга.	– жинс ва ижтимоийлик бирламчи.

Юқорида келтирилган таҳлиллардан шу нарса аён бўладики, перифраза ва эвфемизм қўлланилиш, шаклланиш жиҳатига кўра ўзига хос хусусиятларга эга.

Шу кунга қадар бир-бирига яқин тушунча ва ҳатто, бир хил мазмуннинг икки хил кўриниши сифатида эътироф этилаётган “парафраза” ва “перифраза” терминларининг юнон тилидан ўзлашганлиги барча манбаларда¹⁹ қайд этилган.

Парафраза истилоҳи бугунги кун ўзбек тилшунослигида перифраза билан бир хил маънода қўлланилади ва перифразага берилган барча таърифлар айнан парафраза учун ҳам умумийликни ҳосил қилиб келмоқда. Масалан, нарса-буюмнинг номини аниқ атамай, уни тасвирлаб англатадиган сўз бирикмаси

¹⁹Бродский Н., Лаврецкий А., Лунин Э., Львов В., Рогачевский М., Розанова В. Литературная энциклопедия: – М: Френкель, 1925; Азимов Г., Шукин А.Н. Новый словарь методических терминов и понятий (теория и практика обучения языкам). – М: ИКАР, 2009.; <https://de.wikipedia.org/>

тасвирий ифода (ёки парафраза) дейилади: *қушлар – қанотли дўстлар; фазогирлар – само лочинлари; маккажўхори – дала маликаси; пахта – оқ олтин, рассомлар – мўйқалам соҳиблари*. Тасвирий ифодалар нарса ва ҳодисаларнинг иккинчи номи ҳисобланади. Тасвирий ифодалардаги битта сўз ҳар доим ўз маъносида бўлади, шу билан улар иборалардан фарқ қилади²⁰. Перифраза, перифраз (юн. periphrasis – тасвирий ибора; киноя, истиора) – борлиқдаги нарса ва воқеаларнинг номини тўғридан-тўғри атамасдан, уларни билвосита, яъни турли хил сўз ёки тасвирий иборалар билан ифодалаш; мажозий ифодалардан бири (шер ўрнида *ҳайвонлар шоҳи*; пахта ўрнида *оқ олтин*, Алишер Навоий ўрнида *ўзбек адабий тилининг асосчиси* ибораларининг қўлланиши)²¹. И.Умиров ўзининг “Ўзбек тилида парафразалар” номли номзодлик ишида бу ҳодисага нисбатан парафраза терминини қўллайди ва бу атаманинг "пара" қисми ёндош ёки йўлдош, жуфтлик маъносини ифодалашини таъкидлайди²². Шу билан бир қаторда Бердақ Юсуф томонидан эълон қилинган “Навоий асарларида парафразалар” номли илмий мақолада ҳам “парафразалар нарса, шахс, воқеа-ҳодисаларнинг тасвирий номи бўлиб, улар муҳим услубий восита ўлароқ нутққа кўтаринкилик, жозибadorлик бахш этади, унинг таъсирчанлигини оширади²³” деган фикрни билдиради.

Умуман, бу атама тилшунослик манбаларида *перифраза, перифраз, парафраза, қайта номлаш, тасвирий ифода, тасвирий ибора* каби атамалар билан номланиб келмоқда.

Ўзбек, рус, инглиз, француз ва немис тили манбаларида изоҳланган перифраза ҳамда парафраза ҳодисаларининг фарқли жиҳатлари ҳақида қуйидаги хулосага келинди (1.2-жадвал):

1.2 – жадвал. Парафраза ва перифразанинг фарқли жиҳатлари

Парафраза	Перифраза
– йирик ёки қисқа матнни тингловчига тушунарли ҳолатга келтириш;	– бадийлик, эстетик таъсир этиш, тингловчининг эътиборини тортиш ва оммавийлик ифодаси сифатида қўлланилади;
– род (жинс) категорияси мавжуд бўлган тилларда ҳам нол шаклда қўлланилади;	– род категорияси мавжуд. Масалан, перифраза– женский род ва перифраз – мужской род
– тушунилиши ёки мазмуни ўқувчи ва тингловчи учун мавҳум, қийин бўлган вазиятда қўшимча изоҳ сифатида шакллантирилган қисқа ёки мукамал шарҳ матнлари ҳисобланади;	– бир сўзга тенг бўлган тушунчанинг содда ёки мураккаб бўёқдор бирикмалар асосида изоҳланиши;

²⁰ <https://hozir.org/hamroy-e-v-m-a.html?page=3>

²¹ <https://uz.wikipedia.org/wiki/Perifraza>

²² Умиров И.Э. Ўзбек тили парафразалари: филол. фан. номз. дисс... автореф. – Тошкент, 1996. – Б.8.

²³ Бердақ Юсуф. Навоий асарларида парафразалар // Ўзбек тили ва адабиёти. 2020. №1. – Б.77.

– мусикада импровизация мақсадида ҳам парафраза қилиниши мумкин;	– публицистикада тез таъсир этиш, соддалик ва оддийликдан қочиш мақсадида қўлланилади;
– парафразада ҳис-ҳаяжон мутлақо кузатилмайди;	– аксарият перифразаларда тантанаворлик, жўшқинлик руҳи сезилиб туради;
– тилшуносликда, прагматик вазиятда нутқий қисқаликка эришиш (масалан, <i>йўлдан ўтма автомобиллар қатнови бор, ҳаётинг учун хавфли</i> гапи ўрнида “қизил чироқ” бирикмасини қўллаш; <i>қорним очди, овқатланишим керак</i> жумласини “Қаердандир ширин хид келяпти?” гапи орқали ифодалаш; рулда бўлган ҳайдовчи телефонига қўнғироқ қилаётган шахсга ҳозир гаплаша олмайман, автомобилни бошқаряпман ўрнига “рулдаман” сўзини ишлатиш кифоя қилади) учун қўлланилади.	– бадий асарларда бадий нутқнинг таъсирчанлигини таъминлаш мақсадида қўлланиладиган тасвирий ифода.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мавзуга алоқадор бўлган интернет манбаларини ўрганиш чоғида айрим бошқа тилга оид бўлган материаллар ёки маълумотларнинг таржима дастури орқали ўзбек тилига таржимаси амалга оширилганда перифраза термини парафраза шаклида қўлланилган ҳолатлари кўзга ташланди. Шунинг учун ҳам ўзбек тилшунослигида бу мавзу доирасида амалга оширилган ишларнинг айрим ўринларида парафраза, бошқасида перифраза терминлари тадқиқот предмет сифатида қабул қилинган бўлса, ажаб эмас.

II боб “Алишер Навоий насрий асарларидаги перифразаларнинг лексик хусусиятлари” деб номланган бўлиб, ушбу бобда асосий эътибор Алишер Навоийнинг “Маҳбуб ул-қулуб”, “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад”, “Ҳамсат ул-мутаҳаййирин”, “Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер”, “Муншаот” каби насрий асарларида қўлланилган перифразаларнинг лексик хусусиятларига қаратилган. Фикрлар ва таҳлиллар А.Навоий насрий асарларида перифразани ҳосил қилувчи луғавий бирликлар, синоним, антоним, омоним перифразалар таҳлили, Навоий насрида инсон характер хусусиятини ифодаловчи ва машҳур шахсларга нисбатан қўлланилган перифразаларнинг луғавий-маъновий таҳлилига бағишланган.

Алишер Навоий насрида омонимлик, синонимлик, антонимлик мазмуни акс этган перифразалар мавжуд бўлиб, бундай бирикмалар шахс хусусияти ва машҳур давлат арбоблари ҳамда дин вакиллари таъриф бериш мақсадида қўлланилган. Масалан, Шамсуддин Муҳаммад Табодгонийга нисбатан *жаноби*

ҳақиқатмаоб, қутби доираи ҳақиқат, Жомийга нисбатан шайхул-исломий, муқтадо ва пешвоси ул гавҳари якто, нур ул миллати ва-а-дин перифразаларининг қўлланиши, кўнгилнинг хусн малоҳатин идрок қилғувчи, ишқ ўти ёлинига ёқилғувчи, хўблар хусни тузига кабоблиғ қилғувчи, котибликнинг шуаро сўзининг варақнигори, сўз махзанининг хазонадори, йигитликнинг умр гулшанининг баҳори, ҳаёт шабистонининг наҳори таърифлари асосида берилиши синоним перифразалар сифатида қабул қилинди. Манбаларни ўрганиш чоғида бир шахсга нисбатан қўлланилган шундай перифразалар ҳам аниқландики, биз бу каби перифразаларни синоним сифатида қабул қила олмаймиз. Бунинг сабаби уларда бир шахс ёки воқеа ҳодисанинг бошқа-бошқа жиҳатлари акс эттирилганлигидадир. Яъни Навоийнинг ўзига нисбатан қўллаган изоҳлар *тасаввур ва аноният умуриниғ худройи ва ужбу нафсоният оламининг даштпаймойи* (диний ва дунёвий билимлар эгаси), *самона миа муҳибби дарвешон ва мўътақиди эшон* (юқори салоҳият соҳиби бўлишига қарамасдан, фақирлик, камсуқумлик каби хусусиятларга ҳам эга), *аз ҳимаи шугл сер ва ба фақр далер* (барча фан соҳалари билан шуғулланувчи, ҳокисор қалбли), *дағдағи собиқ самти тақвият* (оғир вазиятни жимликда енгувчи) перифразаларида шу жиҳат намоён бўлган. Бу перифразаларда Навоийнинг ҳам диний салоҳияти, ҳам дунёвий илм борасидаги ўрни, шу билан бир қаторда, жамоат ичидаги обрўси акс эттирилган.

Ўзаро қарама-қарши мазмун касб этган антоним перифразалар бугунги кунда мавжуд бўлгани каби Навоий асарларида ҳам қўлланилганлиги аниқланди. Ўлим ва тирикликка нисбатан *фано танғнойи* - ўткинчи тор йўл ва *бақо гулшани фазоси*²⁴, очлик ва тўқликка нисбатан *ҳикмат сармоясидур*, яъни донишмандлик асоси ва *зафлат пироясидур*²⁵ – эътиборсизликни юзага келтирувчи перифразалари, ростгўйлик ва ёлғончиликка нисбатан *танғри дўстлари* ва *танғри душмани* перифразалари антоним перифразалар ҳисобланади.

Алишер Навоий ҳамсанависликда ўзига устоз деб ҳисоблаган Амир Хусрав Деҳлавийга нисбатан “Маҳбуб ул - қулуб” асарида *Ишқ аҳлининг покбозлари ва шавқу ниёз аҳлининг назмтироз ва афсонапардозлари мутақаддиминдин андоққим, назм бешасининг газанфари ва дарду ишқ оташкадасининг самандари ва завқу ҳол водисининг покрави Амир Хусрав Деҳлавийдурким*²⁶ жумласи орқали *назм бешасининг газанфари* (шеърят ўрмонининг арслони), *дарду ишқ оташкадасининг самандари* (ишқ дарди ичида яшовчи), *завқу ҳол водисининг покрави*²⁷ (завқ-у ҳис водийсининг пок йўловчиси) каби перифразаларни қўллайди. Бунда Деҳлавийнинг завқ ва кучли ҳис-туйғуга эга бўлган оловли ишқ мадҳ этиладиган йирик бир шеърят майдонининг эгаси сифатида таърифлайди ва шунга мос мантиқий мазмунга эга ифодаларни келтиради.

²⁴Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 жилдлик.15-жилд. “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад”. – Тошкент: Фан, 1999. – Б.148.

²⁵Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 жилдлик.14-жилд. “Маҳбуб ул-қулуб”. – Тошкент: Фан, 1998. – Б.128.

²⁶ Ўша манба. – Б.21.

²⁷Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 жилдлик.14-жилд. Маҳбуб ул-қулуб.– Тошкент: Фан, 1998. – Б.67.

Исломда хулафо ар-рошидин (“тўғри йўлдан борган халифалар”), диндорлар ўртасида “чорёрлар” деб аталган дастлабки тўрт халифанинг тўртинчиси, Муҳаммад (с.а.в)нинг амакиваччаси ва куёви (Фотиманинг эри), Қурайш қабиласининг хошимийлар хонадонидан бўлган, ислом оламида вужудга келган шиалик ҳаракатининг асосчиси ҳисобланган халифа Али²⁸ Алишер Навоийнинг “Маҳбуб ул - қулуб” асарида халифанинг турли жиҳатлари ўз мужассамини топган ҳолда перифразалар билан таърифланади. *Аммо бу азиз қавмнинг пешво ва муқтадоси ва бу шариф хайлнинг сардафтар ва сархайли валоят баҳрининг гавҳари ва каромат авжи мунир ахтари Амир ул-мўмин Али (рази аллоҳу анҳу ва каримуллоҳу ва ваҷҳу) дурким, назм девонлари мавжуддур ва анда асрор ва нуқатномаъдуд²⁹*” гапи бутунлигича Алининг таърифларига бағишланган перифразалардан таркиб топган. Яъни *қавмнинг пешво ва муқтадоси* (гуруҳнинг раҳбари ва имоми), *шариф хайлнинг сардафтар* (азиз тўданинг пешқадами), *сархайли валоят баҳрининг гавҳари* (авлиёлар денгизининг гавҳари), *каромат авжи мунир ахтари* (чўққини ёритувчи мўжизавий юлдуз)перифразаик ифодаларни келтиради. Юқорида халифа Алига нисбатан қўлланилган перифразалар орқали бу шахснинг ҳаёти давомида халқ орасида эгаллаган ўрни ва кадр - қиммати қай даражада бўлганлиги ҳақида етарлича тасаввурга эга бўлиш мумкин.

Абдурахмон Жомий ва Ҳофиз Шерозийларнинг таърифини бериш мақсадида қўлланилган *шамсул миллати вад-дин* – миллат ва диннинг куёши перифразалари омоним перифразалар сифатида қабул қилинди.

Навоий ўз даврида яшаган кўплаб тарихий шахс ва олимларни таъриф-у тавсифини беришда ҳам такрорланмас лексемалардан ташкил топган перифразаларни қўллайди.

“*Аларнинг олий насаблари имом ул-мужтаҳидин Муҳаммад бинни Ҳасан бинни Абдуллоҳ бинни Товус бинни Хурмуз Шайбоний*” жумласида Шайбон номли қабиланинг маликларидан ҳисобланган Хурмуз Шайбонийга нисбатан *имом ул-мужтаҳидин* (имомликка интилувчи) перифразаси ишлатилган бўлиб, шу орқали Навоий Жомийнинг насаби ҳақида маълумот беришга ҳаракат қилади³⁰.

“*Ул жумладин будурким, орифи комил ва муришиди мукаммал мавлоно Фахриддин Луристонийки, ўз замонининг яғонаси ва ҳақиқат баҳрининг гавҳари яқдонаси эркандур — Жом вилоятида аларнинг оталари уйига тушгандур*” гапида машҳур шайх Ҳафизуддин Умар Обардиҳийнинг истеъдодли шогирди ҳисобланган Луристоний таърифи берилган бўлиб, “маърифатли” ва “шогирдларига сўфийликни ўргатувчи” маънолари изоҳланган *орифи комил ва муришиди мукаммал* ҳамда “ўз даврида тенгсиз ва ҳақиқат денгизининг қимматли гавҳари” маъносини англатувчи *ўз замонининг яғонаси ва ҳақиқат баҳрининг*

²⁸<https://uz.wikipedia.org/wiki/Ali>.

²⁹Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 жилдлик. 14-жилд. Маҳбуб ул-қулуб.– Тошкент: Фан, 1998. — Б.21.

³⁰Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 жилдлик. 15-жилд. Ҳамсат ул-мутаҳаййирин.– Тошкент: Фан, 1999. –Б.6.

*гавҳари якдонаси*³¹ перифразалари қўлланилган. Шунингдек, ўз замонининг комил эшон ва пирлари сифатида Баҳовуддин Умар, Боязид Пуруний ва Муҳаммад Асадларни келтиради ва уларни *замонининг сойир муришдлари ва комиллари*³² перифразалари орқали таърифлайди.

Алишер Навоий томонидан салбий баҳо бериш мақсадида қўлланилган перифразалар ичида Ноҳиқийга нисбатан қўлланилган перифраза муҳимдир. Шоир уни *дев била, шаётиндин мутаваллад бўлгон ўзул* деб атайди. Бунинг асосий сабаби сифатида талаба Ноҳиқийнинг атрофидагиларга нисбатан ноаҳл, ғаразли, беўхшов ва хунук бўлганлиги матн жумласида келтириб ўтилади. Яъни *“Толиби илмлар орасида Ноҳиқийким, ани дев била, шаётиндин мутаваллад бўлгон ўзул деса бўлур, ноҳамворлиқ ва беандомлиги андин кўпрак эрдиким, ани шарҳ қилса бўлгай”*³³.

Навоий даврида яшаган, Навоий ҳамда Жомийнинг ҳамсухбатларидан бўлган Аҳмад Пир Шамсни *“Мавлоно Абулвосеъки, баче фазоили ҳамида била оростадур”*³⁴... (жумласи орқали барча яхши фазилатлар билан безанган, яхши фазилатлар эгаси мазмуни ифода этилган *баче фазоили ҳамида била оростадур* перифразаси орқали тасвирлайди.

Юқорида номлари келтирилган шахслар Навоий даврида яшаган, шоирга маслакдош бўлган, устозлик қилган ва ўз соҳасининг билимдони сифатида жамият ҳаётида тутган ўрнини, халқ, дин, илм учун амалга оширган ишларини изоҳлаш ва ўқувчида тасаввур пайдо қилиш мақсадида такрорланмас сўз ва бирикмалар билан ифодалашга ҳаракат қилган. Айнан шу таърифлар таништирилган шахсларнинг касби, лавозими ва мансаби ҳақида ҳам ўқувчида етарлича тасаввур пайдо қила олади ҳамда Навоийнинг уларга ижобий ёки салбий назар билан қараганлигини ҳам кўрсатади.

